

“Элликқалъа пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

“Элликқалъа пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши 2024 йил “10” сентябрь соат 12.00да Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа тумани, Бўстон шаҳри, С.Айний кўчаси, 4-уйда жойлашган “Элликқалъа пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади. Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 11.00 бошланади. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.ellikqalapaxta.uz

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги ПФ-103 сон “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси тўғрисида.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана:

- акциядорлар умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2024 йил 19 август ҳолатига;
- акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2024 йил 4 сентябрь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган кун тартибидаги масалалар бўйича маълумотларни “Элликқалъа пахта тозалаш” акциядорлик жамиятида танишишлари мумкин. Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа тумани, Бўстон шаҳри, С.Айний кўчаси, 4-уй.

“Элликқалъа пахта тозалаш” акциядорлик жамияти электрон почтаси: ellikqalapaxta.uz@mail.ru

